14 йил

Mustaqil O'ZBEKISTON

33 (467)

2005 йил 17 август

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Инсон ҳаёти — қадриятлар олийси
▶ Тавбасидан тонган одам(ми)?!

3
▶ Маслаҳатчи учун маслаҳатгўй ...Низом
▶ Сегазакум ва Совоқотдаги серфайз учрашувлар

4
▶ Озодаликдан огоҳ ...батальон
▶ Гузарлар: қадимда ва ҳозирда

Фарғона вилояти

Муносабат

МАҲАЛЛАЛАР "MAHALLA"СИЗ ҚОЛМАЙДИ

Газетанинг 6 июль сонида эълон қилинган "Mahalla"сиз маҳаллалар..." мақоласи "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раёсат йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда сўз олган жамғарманинг шаҳар ва туман бўлинмалари раислари "Mahalla" газетаси ҳар бир сонининг барча фуқаролар йиғинларига узлуксиз кириб боришини ташкил қилишда эътиборсизликка йўл қўйганликларини рўйрост тан олдилар. Бунинг оқибатида йилнинг иккинчи ярмида вилоятда, хусусан, Қувасой шаҳри, Бувайда, Охунбобоев, Фурқат, Қува, Ёзёвон, Бағдод туманларида "Mahalla" газетасига обуна кўрсаткичи кескин пасайиб кетган.

Раёсат йиғилиши тез кунларда вилоятдаги барча маҳаллаларнинг "Mahalla" газетасига йилнинг қолган даври учун обуна бўлишларини ташкил этиш, янги йилда 2005 йилда йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик чора-тадбирларини белгилаб, қарор қабул қилди.

Толибжон ҲАФИЗОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси.

Наманган вилояти

ЯНГИ СПОРТ МАКТАБИ

Тўрақўрғон шаҳрида спортнинг бадиий гимнастика турига иштиёқманд ёшлар кўп. Шуни ҳисобга олган ҳолда туман Халқ таълими бўлими ташаббуси билан бўшаб қолган мусиқа мактаби биноси таъмирланди ва ёш ҳаваскор гимнастикачилар ихтиёрига берилди. Мактабда ёшларнинг шуғулланишлари учун замонавий гимнастика зали, тиббиёт хонаси ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

— Биз бунинг учун вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасига катта раҳмат айтамиз, — дейди гимнастика мактаби директори Гулчехра Собирова. — Мактабимизни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 44,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Атрофимиздаги маҳаллаларнинг аҳолиси, ота-оналар ҳам ҳудудни ободонлаштиришда катта ёрдам беришди.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейди?
— Бугун футболчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун стадионга борамиз, — дейди.

Байрамолди тадбирлари

ДЕҲҚОНЛАР МАҲСУЛОТЛАРИ ПОЙТАХТДА

Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасида Республикамизнинг кўплаб туманларидан деҳқонлар қатнашмоқдалар.

Айни пайтда юртимиз заминида етиштирилган олма, узум, қовун-тарвуз, картошка, пиёз каби мева ва сабзавот маҳсулотлари пойтахтимизнинг барча туманлари аҳолиси дастурхонини безатишга хизмат қилаяпти.

Дарвоқе, қашқадарёликлар эса пойтахтликларни юқори сифатли ва анча арзон маҳсулотлар билан таъминлашдан ташқари, яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Улар Чилонзор туманидаги 49 та маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонлар, ногирон, қаровсиз кексаларга меҳр-мурувват кўрсатмоқда. Хусусан, воҳа деҳқонларининг ҳиммати билан бундай оилаларга икки килограммдан қўй гўшти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бепул тарқатилди. Шунингдек, яқинда туманнинг Катта Чилонзор маҳалласи гузарида уюштирилган хайрия тадбирида ҳам бундай мурувват ишлари давом этди. Бу ерга таклиф этилган 200 нафарга яқин фуқаролар хайрия дастурхони атрофида йиғилдилар. Уларга байрам туҳфаси сифатида воҳа ноз-неъматлари ҳадя этилди.

МУХБИРИМИЗ



СУРАТДА: *пойтахтимиздаги Бешёғоч бозорида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси.*

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Юртимизда катта тантанаю тадбирлар, тўю томошалар, байраму сайллар олдидан маҳаллалар ва кўча-хиёбонларни, турар-жойларни ободонлаштириш, саранжом-саришта қилиш ишлари амалга оширилади. Энг муҳими, бу юмушларни аҳоли кучи билан, ҳашарлар уюштириш орқали бажариш одат тусига кирган. Хусусан, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида юртдошларимиз ушбу анъанани такрорлайдилар.

Бу йил умумхалқ хайрия ҳашари 13-14 август кунлари бўлиб ўтди. Бу тадбирга тайёргарлик ишлари анча илгари бошланган эди. Август — ободонлаштириш ойлиги деб эълон қилингач, жойларда кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами тантаналари нишонланадиган жойлар саришта ҳолга келтирилди.

13-14 август кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашарида ана шу хайрли ишлар давом эттирилди. Жумладан, юртимиздаги барча туман ва шаҳарлардаги кўчалар, майдон ва хиёбонлар тартибга келтирилди. Маҳаллаларда, турар-жой мавзеларида "Ўз уйим, ўз маҳаллам" шиори остида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Сув ва канализация тармоқлари тозаланди. Шунингдек, ҳашар кунлари қаровсиз қолган ёлғиз кексалар, серфарзанд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди, уларнинг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Айни пайтда ҳам юртимизнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида ободонлаштириш ойлиги доирасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаяпти.

МУХБИРИМИЗ

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕК ЭЛИМ

/фахрия/

Лабларинг соф зилолидан ўзбек элим,
Қошларинг қўш ҳилолидан ўзбек элим,
Тилларинг қанду болидан ўзбек элим,
Қуёшингдан, шамолингдан ўзбек элим.

Дилга ором ажиб, мумтоз наволаринг,
Минг бир дардга даво эрур ҳаволаринг,
Айни қуёш маскани кенг самоларинг,
Баҳра олгум жамолингдан ўзбек элим.

Жаннат эрур оқшом, саҳар паллалари,
Дил яйратур оналарнинг аллалари,
Жонбахш эрур гўзалларнинг яллалари,
Сўзлар кўрку камолингдан ўзбек элим.

Чаманларинг адоғига етиб бўлмас,
Хирмонларинг салмоғига етиб бўлмас,
Меваларинг саноғига етиб бўлмас,
Анорингдан, зардолингдан ўзбек элим.

Эй, тоғлари ёқутлигим; ҳақиқлигим,
Кўш дарёси олам ичра таниқлигим,
Эй, кўллари қайиқлигим, балиқлигим,
Булбулингдан, ғизолингдан ўзбек элим.

Жаҳонларни акс айламиш она тилим,
Ҳар сўзингда минг санъату минг бир илм,
Таронаю ҳикоятинг жону дилим,
Достонингдан, мақолингдан ўзбек элим.

Қарам бўлмас ҳеч кимсага буюк халқинг,
Нақл этилмиш номаларда фахру шарҳинг,
Юрагимга туташ эрур ғарбу шарқинг,
Жанубингдан, шимолингдан ўзбек элим.

Тарихларга айтар улуғ сўзинг бордир,
Ҳар бир аҳдинг замирида ўзинг бордир,
Байроғингда ўн икки юлдузинг бордир,
Жавобингдан, саволингдан ўзбек элим.

Гўзалимсан, элу юртин шод айлаган,
Ғазалимсан, элу юртим ёд айлаган,
Асалимсан, Ҳофизни ҳам мот айлаган,
Лаб узра нуқта холингдан ўзбек элим.

Ҳар қадамда фавворaю шўх ирмоқлар,
Адирларда қулоч отди зилол боғлар,
Эрка шамол сочларимни шўх тароқлар,
Ўрмонингдан, ниҳолингдан ўзбек элим.

Бу қўрғонлар, айтинг, қачон бўлмиш барпо,
Минг йилликлар қаршимизда бўлур пайдо,
Ўзбекистон — қадим замин, мовий само,
Ғавҳарингдан, сополингдан ўзбек элим.

Тоғларингда чексиз маъдан хазинаси,
Офтобга олтин поя — ҳар зинаси,
Неча-неча мўъжизага бой сийнаси,
Ҳисорингдан, Чотқолингдан ўзбек элим.

Бағринг узра ижод этар қудратли эл,
Саховатли, матонатли ҳамда кенгфеъл,
Бу гўзаллик оламини кўрмоқ учун, эй дунё кел,
Қалпоғингдан, рўмолингдан ўзбек элим.

Барно бўлдинг оқибатдан, муҳаббатдан,
Яна сўнгсиз ишқу меҳру мурувватдан,
Ҳақ асрасин ёмон кўздан, мусибатдан,
Куйлай бахту висолингдан, ўзбек элим.

Кўксимдаги ширин, нафис туйғуларим,
Яна жўшқин, қудрат тўла орзуларим,
Кўнгил уйим ёритган бу ёғдуларим —
Сўзлар эрку аъмолингдан ўзбек элим.

Авлиёлар, алломалар диёрисан,
Янги авлод таронаси, алёрисан,
Истиқлолим қўрғонисан, гулзорисан,
Айланайин иқболингдан ўзбек элим!

Фармон ва жамият

ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди. Кенг жамоатчилик томонидан, жумладан, хорижда ҳам ушбу ҳужжатлар мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқи, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ билан ана шу дастурий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ижроси билан боғлиқ долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди А.Саидов. — Мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси жорий этилди.

Ушбу Концепцияни ҳаётга татбиқ этишнинг узвий давоми сифатида Президентимизнинг номлари зикр қилинган фармонларини мисол сифатида келтириш мумкин.

— Концепция доирасида ўтган даврда қандай амалий ишлар қилинди?

— Аввалambор, истиқлол туфайли мамлакатимизда мутлақо янги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди, мустақил суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий, ҳуқуқий, институциявий ва ташкилий тизими барпо этилди.

Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Бу эса судларда кўрилаётган ишлар сифатининг ошишида муҳим омил бўлди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди.

Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби ўрнатилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди. Кассация институтининг ислоҳ этилиши туфайли фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлганида ўз ҳуқуқларини шу инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Давоми 2-саҳифада

Муносабат

ИККИЮЗЛАМАЧИ

ЁХУД АСЛО ОДАМИ БЎЛМАСЛАР ҲАҚИДА

"Mahalla" муштарийларига газетамизнинг 27 июль сонида босилган "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" сарлавҳали мақола номини эслатишнинг ўзиёқ гап нима ҳақда кетаётганлиги хусусида изоҳ бериб ўтиришга ҳожат қолдирмайди, деб ўйлайман.

Ушбу мақоланинг муштарийлар ўртасида қизғин муҳокамага сабаб бўлиши, оқибатда эса кўплаб муносабатлар билдирилиши, хусусан, бу муносабатларда бизнинг фикримизга қўшилганларнинг кўплиги муаллиф сифатида менга бироз бўлсада руҳий рағбат бериши турган гап. Менимча, фикри кўпчилик томонидан маъқулланган ҳар бир одамда шундай рағбат ҳисси туғилади. (Фақат ҳақни ноҳақ кўрсатиб моддий рағбат олувчи мақоламиз "қаҳрамон"лари бўлган "ҳамкасб"лардан фарқли ўлароқ.) Хуллас, бу фикрга қўшилувчи, яъни, шу мақолада номлари келтирилган Бобомурод Абдуллаев, Алимардон Аннаев, Жаҳонгир Муҳаммад, Тошпўлат Йўлдошевларнинг юрт, халқ ва миллатга қарши туҳмат, айтиш мумкинки, юрт, халқ осойишталигини бузишга қаратилган очиқ-ойдин даъватларини қораловчи муносабатларнинг ҳаммасини, ҳеч бўлмаса бир қисмини газетада эълон қилишга ҳам мақола муаллифи, ҳам шу газета раҳбари эканлигим боис келиб чиқадиган мулоҳазалар йўл бермади. Шу сабабли газетанинг кейинги икки сонида баъзи бир муносабатларни эълон қилдик, холос ва шу билан кифояланмоқчи эдик. Аммо кўриб турганингиздек бу мавзуга яна қайтаяпмиз. Нега?

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Фарғона вилояти

ХУРРАМОБОДЛИКЛАРГА ҲАММАНИНГ ҲАВАСИ КЕЛАДИ

Хуррамобод — Риштон туманидаги энг чекка маҳаллалардан бири. Бу ерда 710 та оила бўлиб, 4 мингдан ортиқ тожик, ўзбек ва қирғиз миллатларига мансуб аҳоли яшайди. Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Пахта ва ғалла етиштиради. Хонадонларда боғдорчилик ҳам ривожланган.

Тадбиру ташаббусларга маҳалланинг жонкуяр оқсоқоли Сайфиддин Иноятов, Иброҳимжон Зокиров, Аҳмаджон Абдураҳмонов, Азимжон Ҳамроев, Эгамберди Иброҳимов, Машрабжон Қозихонов, Бусалима Жумаева, Дилоромхон Қурбонова сингари фаоллар ҳамиша бош-қош бўлади.

1996 йилда маҳалла аҳли қурилиш хом ашё танқислигининг олдини олиш мақсадида бўш жойлар ва ариқлар бўйларига терак экиш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳозирги кунда бунинг натижаси яққол кўриняпти. Маҳалла тасарруфидаги 4 минг туп терак аҳоли эҳтиёжларига ишлатилмоқда.

Маҳаллада ободончилик ишларига жуда катта эътибор қаратилган, кўчаларидан юрган кишининг гулзорларни кўриб, баҳри-дили очилади.

Маҳаллада байрам ва ҳайит кунлари ногиронлар, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш уларга совға-салом улашиш анъанага айланиб қолган.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фармон ва жамият

ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Тергов-суриштирув, ҳибсда сақлаш муддатларининг қисқартирилиши ва ишларни судларда кўриб чиқиш муддатларининг қатъий белгиланиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда муҳим босқич бўлди. Хусусан, дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса бир йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Бундан ташқари, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди. Натижада сўнгги 4 йил ичида қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Судда ишларни кўришда холислик ва суд муҳокамасида тортишув принципи тартиби жорий этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд жараёнида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди. Хусусан, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчиликка зарур ўзгартишлар киритилди, прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда.

Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан жиноятлар таснифи тубдан ўзгартирилди, яъни ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари жорий этилди. Натижада фақат сўнгги икки ярим йил ичида катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қонунбузарликка йўл қўйган 5 мингга яқин киши озодликда қолдирилди ва улар томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар қопланди.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бориши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлди. Собиқ иттифоқ давридаги Ўзбекистон Жиноят кодексида 33 та модда ўлим жазосини кўзда тутган бўлса, 1994 йилдаги Жиноят кодексида бундай моддалар сони — 13, 1998 йилда — 8, 2001 йилда — 4, 2003 йилдан эса 2 тагача камайтирилди. Жиноят кодексида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Бундан ташқари, содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, ўлим жазоси вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган кишиларга нисбатан умуман қўлланилмайди.

Қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди. Халқимизнинг шарқона табиатига монанд ярашув институтидан фойдаланиш туфайли сўнгги даврда 30 мингдан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноят-ижроия кодексини либераллаштириш жиноий жазони ўташ шароитларини яхшилаш, маҳкумларга муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини беришни кенгайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратди. Натижада жазони колонияларда ўтаётган кишиларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайди. Агар 1990 йилда колонияларда жазони ўтаётган кишилар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 21 фоиздан иборат.

Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Бу борада суд қарорларини ижро этиш бўйича етарли ваколатларга эга бўлган Департамент фаолият кўрсатмоқда. Судлар ўзларининг фаолиятига хос бўлмаган вазифалардан озод этилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш Концепциясининг санаб ўтилган йўналишларида амалга оширилган ана шундай теран ва кенг қамровли ишлар натижасида, бир томондан, судгача тергов ва одил судловнинг тезкорлиги ҳамда сифати ошишига, иккинчи томондан, суд жараёни иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишига эришилди.

— Давлатимиз раҳбарининг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги дастурий маърузасида истиқболда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган...

— Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз». Маърузада Юртбошимиз томонидан бу борадаги икки устувор вазифа кўрсатиб ўтилди. Биринчи вазифа — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш. Иккинчи вазифа — шахсни ушлаб



СУРАТДА: *Президентимизнинг мазкур икки фармони маҳаллаларда ҳам кенг ўрганилмоқда.*

туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш.

Ҳар иккала вазифани ҳаётга кенг татбиқ этиш йўлида Президентимиз томонидан яқинда тарихий аҳамиятга молик фармонлар қабул қилинди.

— 1 август куни эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармоннинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасига кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди ва бу борадаги халқаро тамойилларга тўла мос келади.

Ушбу Фармон суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи, Ўзбекистонда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадамдир.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади. Бу муддат ичида асосан қуйидаги йўналишлардаги масалаларни ҳал қилиш вазифаси белгиланди.

Аввало, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган зарур қонун ҳужжатлари тайёрланади. Гап Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳақида бормоқда. Бу таклифлар Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 2006 йилнинг 1 январигача тайёрланиши лозим.

Бу уч кодексга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш, ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиблари ва шартларини, шунингдек, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлайдиган судларни аниқ белгилаб беради.

Иккинчи йўналиш эса умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасаларни қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чораларини, ушбу муассасаларни молиялаштириш тартибини, уларда ишлаш учун кадрларни тайёрлашни кўзда тутади.

Учинчи йўналиш — ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини қамраб олади.

— Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш заруратини қандай изоҳлайсиз?

— Фармонда таъкидланганидек, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришга қаратилган.

Ўзбекистонда жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунга яққол мисол сифатида 1997 йилда парламентимиз томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни кўрсатиш мумкин. Чунки демократик ҳуқуқий давлатни ҳуқуқий маданияти юксак фуқароларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўлим жазосини бекор қилишдек тарихий тадбирни кенг кўламли тушунтириш ишларисиз амалга ошириш мушкул. Давлатимиз раҳбарининг Фармонида таъкидланганидек, бу борадаги маърифий-ҳуқуқий ишлар аҳолининг барча қатламлари орасида муайян режа ва узлуксизлик принципи асосида олиб борилмоғи лозим. Бундай ишларни амалга оширишда ҳуқуқшунослар олдинги сафларда бўлишлари табиий. Оммавий ахборот воситаларида мутахассислар билан давра суҳбатлари, савол-жавоблар, тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштириш, махсус рукнлар ташкил этиш яхши самара бериши шубҳасиз.

— Президентимизнинг 8 август куни имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ушбу Фармон мамлакатимизда судларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишда алоҳида эътиборга сазовор. Зеро, судларнинг ролини ошириш — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги зарурий қадам, демакдир.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш бўйича судлар ваколатларини кенгайтириш ва суд назоратини оширишдан иборат. Бу борада, аввалambor, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш устувор аҳамият касб этади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилгандир. Асосий Қонунимизнинг 19-моддасига биноан: «Фуқароларнинг Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Конституциянинг 25-моддасида эса: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», деган қоида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (Конституциянинг 44-моддаси).

Юртбошимиз таъкидлаганидек, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилиши жараёни «ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқишни ҳамда суд тизими ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартишларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади».

Шунинг учун ҳам жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан судлар ваколатига ўтказилади.

— Орадаги икки йилдан ортиқ вақт мобайнида қандай тайёргарлик ишлари амалга оширилади?

— Бу Президентимизнинг Фармонида белгилаб берилди. Аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказишни қонуний мустаҳкамлаш зарур. Бу эса амалдаги иккита кодекс — Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, шунингдек, иккита қонун — «Судлар тўғрисида»ги ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу борада уч ойлик муддат ичида Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу кодекслар ва қонунларга қуйидаги мазмундаги: қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлашда қўшимча кафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчаларни тайёрлаш лозим. Бунда фақат юқорида кўрсатилган кодекслар ва қонунларга эмас, балки бу соҳадаги қонуности ҳужжатлари ва идоравий ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш керак бўлади.

Бунда процессуал мажбурлов чораларини судлар томонидан қўллашга оид халқаро андозалар ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал механизмларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, биринчидан, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга фақат қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатлардагина йўл қўйилиши мумкин, иккинчидан, бунга фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар қарори билан рухсат этилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими зиммасига кадрларини тегишли тартибда тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш вазифаси ҳам юкланди.

Юртбошимиз доимо уқтирганидек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида «хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди».

Мухтасар айтганда, Президентимиз Ислом Каримов томонидан қабул қилинган ҳар икки Фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга қаратилган муҳим тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Уларда белгиланган қоидаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда судларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланмоғи лозим.

ЎзА мухбири
Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди.

Муносабат

ИККИЮЗЛАМАЧИ

ЁХУД АСЛО ОДАМИ БЎЛМАСЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

...Мамлакатимизнинг барча жойларидаги каби пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Тўқимачи маҳалласида яшовчилар, жумладан, маҳалланинг ихчамгина чойхонасида деярли ҳар куни йиғилувчилар ўртасидаги гурунгларда ҳам шу мақола ҳақида гап кетгани шубҳасиз. Бу ерда газета тахламлари ҳам туради. Хуллас, улар ҳам мақолани ўқиб ёки тафсилотини эшитиб, халқнинг шаънига айтилган гаплардан кайфияти бузилиб турган чоғда, бутун бир ўзбек халқини "Озодлик" радиосининг 18 июлдаги "Қурултой" эшиттиришида ҳақоратлаб — қўй деб атаган Бобомурод Абдуллаев ўз маҳалладошлари эканлигини шу ердаги одамлардан бири айтиб қолади... Гапнинг энди қандай мавзуга бурилиб, қандай тус олишини тасаввур қилаверинг. Хуллас, гап-сўзлар авж олиб, маҳалладошларнинг важоҳати ўзгаради ва 11 август куни кеч соат 17.00-18.00 ларда фаоллар, асосан, 60-70 ёшли отахонлар Б.Абдуллаев яшайдиган уй атрофида йиғилиб, ундан одамлар олдига келиб, радиода айтган гапига изоҳ беришини талаб қилишади. Бу вақтда Б.Абдуллаев ўз хонадонида йўқ экан. Шу топда ёмғир ҳам бошланади. Шу ёмғир ва маҳалла оқсоқолининг бу масалани маҳалла идорасида гаплашиб оламиз, деган гапи сабаб бўлиб йиғилганлар тарқалади. Одамлар тарқалгач пайдо бўлган Б.Абдуллаевга оқсоқол Турсунҳожи Саидхонов эртага соат 10.00 да маҳалла йиғини идорасига боришини илтимос қилади. Ҳа, илтимос қилади. Чунки оқсоқолларнинг бундай оғзаки таклифи одатда илтимос тариқасида бўлади. Шу сабабли Б.Абдуллаевнинг бормаслик ҳуқуқи ҳам ўзида эди. Аммо Б.Абдуллаев "Озодлик"нинг мухбири (кейин билишимизча, у ўша "Қурултой" эшиттириши бошловчиларидан бири Хуснидин Қутбиддинов экан) билан айтилган вақтдан анча эртароқ етиб боради. Маҳалланинг фаоллари йиғилиб муҳокама қилинадиган кўплаб масалалар каби бу йиғилишга ҳам унча расмий тус берилмади. Шу ерда пайдо бўлган "Озодлик" мухбирига оқсоқол бу йиғилишда муҳокамага сабаб бўлган сўзларни айтган Б.Абдуллаев ва унга қарши фикр билдирилган мақола муаллифи таклиф қилинганлигини айтиб, узр сўраб уни чиқиб туришини илтимос қилди. Афсуски, унинг шу эшиттириш бошловчиси эканлигини билмаган ҳолда. (Бу мақола йиғин тафсилотига ўхшаб қолаётганлиги учун узр сўрайман, бунинг сабаби бор. Сабаби шуки, бу мавзуга яна ёлғон, бўҳтон, иккиюзламачилик аралашди.) Йиғилишда оқсоқол Б.Абдуллаевга мурожаат қилиб, юрт, халқ номига номуносиб сўзлар айтиши сабабини тушунтириб беришини сўради. Шунда у ўзини йиғилишда бошловчи ўрнида сезиб, ёзув-чизув жиҳозларини столга тахлаб, телефонини стол устига қўйди ва аввал қолганларнинг фикрини эшитишни талаб қилди... Мана, яна "мустақил сиёсатшунос"нинг, "мустақил, таниқли журналист"нинг нўноқлиги. Начора саволга жавоб бериш ўрнига йиғилишга бошчилик қилиши ўринсиз эканлигини тушунтириб қўйишга ҳам тўғри келди. "Ҳамкасб"имнинг ўзини кимлигини ҳеч қачон англаб етолмаслигига кўзим ҳам етди шунда. Умуман, Б.Абдуллаев эшитмоқни талаб қилган фикрлар барибир айтилди. Ҳатто бир кун аввал у яшаётган уй атрофида йиғилганлар у томондан табиат муҳофазаси ва санитария қоидалари бузилганлигини кўришганини ҳам эслатиб ўтишди. Маҳалла-кўйчиликнинг одати шундай. Уйингга борса остонангга, кўчангга борса дарвозангга, тўйингга борса кўчангга зингил солади. Шунда у ўзбек халқи шаънини ҳақоратлаган сўзларига турли бўёқлар бериб кўрди, бўлмади, одамлар уни барибир қабул қилмади. Бу гаплар "Mahalla" газетаси ходими томонидан ортиқча бўрттирилган, деган гапни ҳам айтиб кўрди, бўлмади. Кейин сўзининг охирида мазмунан шундай деди: "Агар халқим, маҳаллам шу сўзларни ҳақорат деб ҳисоблар экан, мен улардан кечирим сўрайман. Бундан кейин халқимга нисбатан туҳмат ва ҳақорат сўзларни айтмасликка сизларни ишонтираман." Шунда отахонлар сўз олиб, умуман, халқ, маҳалла-куй ҳақида фикр юритганда бамаслаҳат ҳолда, эҳтиёткорлик билан, туҳмат, ёлғонда йироқ бўлиб, холисона фикрлаш ҳақида маслаҳатлар беришди.

Биз ўзбекмиз, кўпроқ ўзбек мақоллари, нақллари, ибратомуз сўзлари ёдимизда юради. Ўз сўзида турмаган, бу ишни бошқа қилмайман, деб яна давом қилаверадиганларни "эчки қасам" деб қойишади. Айтишларича, эчки ҳар сафар туғруқ арафасида қийналиб, иккинчи бунга сабаб бўладиган ишни қилмаслик учун ўзига ўзи қасам ичаркану, лекин туғруқ дарди эсдан чиққач яна... Гап шундаки, шу воқеа хусусида шу йил 12 август куни интернет саҳифасида "Арена" ва "Фергана.Ру" ахборот манбаалари орқали Ўзбекистондаги жамоатчилик суди жазо чораси сифатида "мустақил", "таниқли" маҳаллий журналистни кўчириб юборишга қарор қилгани ҳақида мақолалар берилди. Аввало бу йиғилишда нафақат мазкур "Арена" ва "Фергана.Ру" мухбирлари, балки, "Mahalla" ходими ва Б.Абдуллаевдан бошқа мухбир зотининг ўзи тугул руҳи ҳам йўқ эди. Энди бу маълумотларнинг (аниқроғи, уйдирмаларнинг) бу икки ахборот манбаига узатувчиси ким эканлигини ўзингиз билиб олаверинг. Гап хабарни ким узатганлигида эмас, гап бу ёлғонни ким узатганлиги ҳақида, албатта. Мана ўша ёлғонлар: аввало маҳаллада суд эмас, йиғилиш бўлган, иккинчидан кўчириш ҳақида ва судга бериш ҳақида на йиғилиш, на суд хулоса чиқарди. Маҳалла ходимларининг ҳар ҳолда ақлу ҳуши жойида — бундай қарор масъулиятини ҳис қилади. Йиғилиш қатнашчиларидан бири агар яна шундай иш давом эттирилса, шундай қилиш мумкин, деган мазмундаги гапни айтди. Яъни бир одам таклиф сифатида айтди, буни. Ёлғонлар эса давом этади: эмишки, "Озодлик" мухбири Ҳ.Қутбиддиновнинг айтишича, уни ва Б.Абдуллаевни "Озодлик"нинг Тошкентдаги офисигача махсус хизмат ходимлари кузатиб борган эмиш. Турли хизмат ходимлари ўз хизмат вазифасига хос тарзда — яширин, очиқ иш олиб боради. Аммо бундай хизмат ходимларида кўзга кўринмаслик лаёқати бўлишига ишонмайман. Чунки бу икки одам — Абдуллаев ва Қутбиддинов ҳамманинг кўз олдида маҳалладан чиқиб кетди. Улар узун кўчанинг бошига етгунча шу ерда суҳбатлашиб турган одамларга кўриниб турди. Аммо улар ортидан кузатган на одам, на унинг сояси сезилмади. Қолаверса, уларнинг офисгача бориши, қандай бориши кимга қизиқ! Қачонки, улар асл қиёфаларини ўз чиқишларида фош этиб туришган бўлса. Ҳозиргача уларнинг бу туҳмат ва бўҳтонлари ўзларини



Фуқаролар Бобомурод Абдуллаевга "Озодлик" радиосида ҳақиқатан ҳам ўзбек халқини қуй дедик- лекин қуй деганим ҳайвонга тенгсолиб этганим йўқ.

Мана мен маҳалла оқсоқоллари фаоллари фикрини эшитдим. Мен бундан буёғи бўйи узоғига тегишли хулоса чиқараман. Сиздардан ва халқимдан узр сурайман. Халқимга нисбатан туҳмат ва ҳақорат қилувчи фикирларни айтмоликка йиғилган қатнашчиларини ишонтираман.

Мажлис суҳбатида сўзга чиққан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Саидхонов — Яхшилик қилиш ҳар кимни ҳам қулидан келавермайди. Ёмонлик қилиш эса ҳар бир инсонни қулидан келиши мумкин. Бундай бўйи узоғ гапирилиб. Ундан кўра уй йиғинга олдидагиз аҳолт ишларини тезлаб ташлаш, дераҳтни ҳам кесгирган экаплиз бўларни ҳаи тезлаб ташлаш керак. Кўнилларингиз порози.

Юқоридаги сўзга чиққанларнинг фикр ва мулоҳазаларига асосан мажлис йиғини

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Озодлик" радиосида ўзбек халқига нисбатан фикр билдиргенларнинг фикрини "Тўқимачи" маҳалласи фаоллари қоралайди.
2. "Тўқимачи" маҳалласи К.Яшин кучаси 16 уй 7 хонадонда яшовчи фуқаро Б.Абдуллаев йиғилганлар олдида улардан ва халқимиздан кечирим сўрагани нисбатга олинсин.
3. Атроф муҳитни тозалигини бузиб турган Б.Абдуллаев хонадони олдидаги аҳолт уйлари эгаси томонидан тезда тозалансин.

Ушбу баённоманинг I нусхаси Яккасарой тумани "Маҳалла" жамғармасига юборилсин.

Мажлис раиси Т.САИДХАНОВ
Котиб М.ХУДАЙБЕРГАНОВ

Баённома бу таниндим Б. Абдуллаев
12.08.2005

жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли бўлса... Аслида булар устидан ҳанузгача суд жараёни бошланмаганига кўплар ҳайрон... Йиғилишда улар кўрган видеокамерани биз кўрмаганимизни айтмайсизми? Чунки бу мақолаларда махсус хизмат ходимлари "суд"ни тасвирга туширгани ҳақида ҳам ёлғон бор. Шунингдек, Б.Абдуллаевни оқлаш учун унинг сўзи берилади. "... натижада суд ҳеч қандай натижасиз тугади. Ҳамма ўз хулосасида қолди." Унда кечирим сўраган ким эди? Ҳамма ўз фикрида қолган бўлса, у нега кечирим сўради? Кейинги саволлар: "Арена" ва "Фарғона.Ру"га маълумот берувчи шу воқеада айбланаётган одамнинг ўзи бўлиши шартми? Нега ёлғон хабарни уялмай тарқатавериш мумкин? Ахир бу ахборот тарқатувчилар қачонгача туҳматчи, бўҳтончи ва иккиюзламачининг ҳимоячиси бўлиб қолади? Нега биз юқорида эътироф этган ҳақиқий ҳолатлар улар ахборотидан жой олмайди? Чунки улар Б.Абдуллаевнинг сирини ошкор этади-да. Мен бу мақолаларга кўзим тушиб ҳайрон бўлдим ва шу маҳалла йиғини ходимлари билан гаплашдим. Наҳотки, унинг кечирим сўраганини эшитган қулоғимиз, қўлини кўксига қўйиб отахонларга букилган қаддини кўрган кўзимиз алдаса бизни?.. Йўқ, бизни кўзу қулоқларимиз алдамаган эди. Улар менга Б.Абдуллаевнинг йиғилишдан сўнг шу куни яна маҳалага келганини, йиғилиш баённомаси билан танишиб, уни тўғри дея имзолаб кетганини айтди... Демак, Б.Абдуллаев "Қурултой"да кимнинг маслакдоши бўлган бўлса, улар олдида ҳам иккиюзламачилик қилмоқда. Чунки ҳақиқат олдида бўйин эгиб кечирим сўраганини унинг ҳомийлари кечирмаслиги мумкин. Энди яна доноолар гапидан нажот излаймиз. Чамамда бу ўринда бизни, хусусан, унга маслаҳат берган маҳалладош отахонларни жаҳлдан туширадиган бир доно ибора бор. Буюк мутафаккир шоиримиз А.Навоий айтган бу гап тахминан шундай: Ҳар нечук қилмагин тарбият кўппак билан хўтикни, ит бўлур, эшшак бўлур, аслоки бўлмас одами.

Чори ЛАТИПОВ

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаис фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299 сонли қарори ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ташкилий, ташвиқот чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қабул қилинди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи **(бундан кейин — маслаҳатчи)** лавозими ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча (посёлка), қишлоқ ва овулларда жорий этилади.

1.2 Маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434 сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 299 сонли Қарори, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тавсиялари ҳамда мазкур Низом асосида иш олиб боради.

1.3 Маслаҳатчи лавозимига ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи талабларини сингдира олувчи, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир кўрсата оладиган, эл-юрт олдида обрў-эътиборга эришган ижтимоий фаол хотин-қизлар тайинланади.

Маслаҳатчи лавозимига тайинланадиганларнинг ёши 40 ёшдан юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1.4 Маслаҳатчи туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда тегишли фуқаролар йиғини кенгашлари томонидан ҳамкорликда танланади ва фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тайинланади.

Маслаҳатчи лавозимига тайинланадиган шахс ўзи фаолият юритадиган ҳудудда доимий истиқомат қилиши шарт.

1.5 Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан маслаҳатчи учун хизмат хонаси, телефон ва фаолият учун зарур техник воситалар ажратилади.

1.6 Маслаҳатчиларга Фармонда белгиланган разрядларга мувофиқ иш ҳақи тайинланади. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича 5 — (қишлоқ жойларда) ва 6 — (шаҳарларда) разрядлар даражасида белгиланади.

II. МАСЛАҲАТЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ИШ УСУЛЛАРИ

2.1 МАСЛАҲАТЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

2.1.1 Маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2.1.2 "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маҳаллаларда чуқур ўрганиш ва ҳаётга жорий этишни фуқаролар йиғини кенгаши билан ҳамкорликда таъминлаш.

2.1.3 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид аҳоли таклифларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан маҳалла аҳли орасида ижобий ташаббускорликни оширига эришиш.

2.1.4 Фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, қардошлик туйғуларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон қонунчилиги, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан чоп этилган методик қўлланмаларга асосланиб фаолият олиб бориш.

2.1.5 Маҳалла аҳолиси ўртасида, жамиятда дунёвий ва диний қарашлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш.

2.1.6 Носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан, жумладан, экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашган ва жиноят қилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар бор оилалар билан алоҳида ишлаш, уларнинг ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш.

2.1.7 Маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар — турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олидин олиш, уларни бартараф қилиш борасида мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш.

2.1.8 Маҳалла аҳолиси орасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш.

2.1.9 Миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига эришиш.

2.1.10 Маҳалла хотин-қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданиятини юксалтириш борасида аниқ тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.

2.1.11 Хотин-қизларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, фуқаролар йиғини кенгаши ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда аёлларни доимий иш жойлари билан таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этилишига эришиш.

2.1.12 Маслаҳтчи ваколати доирасида туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

2.2 ИШ УСУЛЛАРИ

2.2.1 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришда самимий суҳбатлар, учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ва бошқа усуллардан кенг фойдаланиш.

2.2.2 Турли оммавий ахборот воситалари орқали маслаҳатчининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишлар ташкил қилиш.

2.2.3 Хотин-қизлар дунёқараши, маданий-ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга хизмат қилувчи жамоатчилик институтлари — клублар, марказлар, шунингдек, бадиий кечалар, интелектуал шоулар, танловлар ўтказувчи ижодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

2.2.4 Маҳалла ҳудудидаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий-демографик харитаси ва маълумотлар банкини яратиш, уларга асосланган ҳолда аҳоли орасида маънавий-тарбиявий ишлар олиб боришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш.

2.2.5 Носоғлом муҳит юзага келган оилалар аниқланганда, уларга ёрдам бериш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш, бу борада мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш, зарур ҳолатларда бундай оилалар муаммоларини ҳал этишда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

2.2.6 Муаммоли; нотинч оилалар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал суҳбатлар ўтказиш, бу борада бошқа маҳаллалар маслаҳатчилари билан тажриба алмашиш.

2.2.7 Маҳалладаги намунали оилалар ва обрў-эътиборга эга шахслар салоҳиятидан диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тадбирларни амалга оширишда самарали фойдаланиш, уларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш.

2.2.8 Фуқаролар йиғини ҳудудида норасмий лидер аёлларни аниқлаш, улар билан алоҳида ишлашнинг самарали шаклларидан фойдаланган ҳолда уларни фуқаролар йиғини фаолиятига жалб этиш.

2.2.9 Тегишли давлат ва жамоат (шу жумладан маҳаллий) ташкилотлари томонидан давлат нашриётлари орқали чоп этилган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид буклетлар, қўлланмалар ва рисолаларни фуқаролар йиғини кенгаши ёки фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда аҳоли орасида оммалаштириш.

2.2.10 Ҳудудда ўтказиладиган халқ сайиллари, миллий ва диний байрамларнинг ташкилий ва мазмуний жиҳатдан юқори даражара ўтказилишини таъминлаш, уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишига эришиш.

III. МАСЛАҲАТЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

3.1. ҲУҚУҚЛАРИ

3.1.1 Фуқаролар йиғини кенгашига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш масалалари бўйича, фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга доир, шунингдек, маҳаллалардаги энг намунали оилаларни ҳамда ижтимоий фаол фуқароларни рағбатлантириш борасида таклифлар киритиш.

3.1.2 Фуқаролар йиғини кенгашининг турли фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашиш.

3.1.3 Ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган қарорларни бажармаган ёки етарли даражада бажармаган шахслар фаолияти хусусида қонунда белгиланган тартибда фуқаролар йиғини ёки йиғин раиси (оқсоқоли) томонидан тегишли давлат идораларига тақдимномалар киритиш борасида таклифлар билдириш.

3.2. МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.2.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш.

3.2.2 Йилнинг ҳар чораги якунида ўзининг маслаҳатчи сифатидаги фаолияти юзасидан фуқаролар йиғинига ҳисобот бериш.

IV. МАСЛАҲАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА РАҲБАРЛИК ВА УНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

4.1 Маслаҳатчи фаолиятига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) бевосита раҳбарлик қилади.

4.2 Маслаҳатчилар фаолияти Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (1999 й.) Қонунининг 17-моддасига асосан тегишли ҳудудлар мувофиқлаштириш комиссиялари томонидан, шунингдек, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тавсиялари асосида фуқаролар йиғини кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4.3 Маслаҳатчиларга уларнинг функционал вазифаларига кирмайдиган, мазкур Низомда кўрсатилмаган топшириқлар берилмайди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси

Сурхондарё вилояти

КАМОЛОТГА ЖАМОАТ БИЛАН

ёхуд Жарқўрғон тумани маҳаллаларида маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлиги асосида амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида

Эзгуликнинг ҳам, ёвузликнинг ҳам ибтидоси таълиму тарбиядан бошланади. Бу эса маҳалла, мактаб ва оила зиммасида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турганлигини англатади. Жарқўрғон тумани маҳаллаларида ҳам айни пайтда мактаб—маҳалла—оила ҳамкорлиги асосида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилаяпти.

— Туманимизда 7 та қишлоқ, 1 та қўрғон ва 61 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Қувондиқ Бегалиев. — Уларда яшаётган оилалар сони 37 минг 700 нафарни ташкил этади. Маҳаллалар ҳудудда жойлашган 56 та ўрта таълим мактаблари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Жарқўрғонда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилнинг ўзида қурилган 21 тадан ошиқ маҳалла гузарлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ўз навбатида ана шу янги гузарларда иш бошлаган милиция таянч пунктлари фаолияти ҳам маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда вояга етмаган ёшлар орасида турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келаяпти. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан маҳалла идоралари 6 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилда юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлаган эди. Бугун маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлигини йўлга қўйишда уларнинг иштироки, ҳиссаси катта бўлаяпти.

Вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида тумандаги барча мактаблар қошида турли спорт секциялари, тўгараклар ташкил этилган. Уларга 1000 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Бунинг натижасида Жарқўрғонда болалар спорти ривожланаяпти, ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотида ижобий ўзгаришлар рўй бераяпти. Айниқса, анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири, "Миллий кураш" мусобақаларида жарқўрғонлик ёшлар эришаётган ютуқлар салмоқли.

— Айримлар фарзанд тарбиясини шахсий иш деб ҳисоблайдилар, — дейди суҳбатдошимиз Қ.Бегалиев. — Бу нотўғри қараш. Болани нафақат оила, балки, жамият, жамоат тарбиялайди. Унинг комил инсон бўлиб камол топишида биргина ота-она берган таълим-тарбия камлик қилади. Шу маънода маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш бугун ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Дарвоқе, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида жамоат тартибини сақлаш мақсадида маҳаллаларда туман Ички ишлар бўлими, прокуратура, Халқ таълими бўлими, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорликда давра суҳбатлари, маърифий кечалар, учрашув ва мулоқотлар уюштирмоқда. Бунинг самараси ўлароқ вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бундай ёшдаги ўсмирлар ва болалар ўртасида бирорта ҳам жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмади.

Ҳа, бугун Жарқўрғон маҳаллалари обод ва кўркам. Энг асосийси, бу ерда осудалик ҳукм сураяпти. Бу борада даставвал ҳудуддаги маҳаллалар, мактаблар ишидан ва оилаларда яратилган муҳитдан қувонишга ҳақлимиз.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида

Тошкент вилояти қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам байрам тараддуди қизғин олиб борилмоқда. Бунда байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республикамизда тузилган комиссия азолари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: *комиссия аъзоси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев маҳалла фаоллари билан.*

● Республикамиз Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан

Андижон вилояти

Мустақиллик халқимизнинг азалий орзулари, қадриятлари, анъанаю урф-одатлари ифодасидир. Шоир ва ёзувчилар, маърифат намоёндалари билан Шаҳрихон тумани аҳли ўртасида ўтказилган учрашувларда ана шу маъно бор эди.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА

Андижоннинг таниқли шоирлари жамулжам бўлган даврада Ватан, Мустақиллик, ўз юртидан фахрланиш ҳис-туйғулари билан йўғрилган шеърлар, суҳбатлар йиғилганлар қалбига хуш кайфият бахш этди.

Шаҳрихон тумани Сегазакум қишлоғидаги дала шийпонида бошланган учрашув тумандаги Юқори Шаҳрихон қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Соқовот маҳалласида давом этди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Бухоро вилояти

МАҲАЛЛАЛАР БАЙРАМ ТАРАДДУДИДА

Бухоро шаҳридаги Фурқат номли маҳаллада юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб байрам тадбири ўтказилди. Шодиёнага ташриф буюрган меҳмонлар даставвал шу ҳудудда иш олиб бораётган тадбиркорлар ва ҳунарманд усталар тайёрлаган маҳсулотлар кўрзагмасини катта қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Тадбирнинг тантанали қисмида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Очилова ҳудудда олиб борилган хайрли ишлар хусусида гапирди. Бу борада аҳолига ибрат бўлаётган хонадонлар вакиллари, фаол ва ташаббускор инсонлар тақдирланди.

Спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақалар маҳалла тўйига ўзгача завқ-шавқ бағишлади.

— Мустақиллик байрамига қадар вилоятимиздаги барча — 465 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ана шундай тадбирлар ўтказилади, — дейди Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. — Халқ сайли, кўрик-танловлар, санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастурлари, оилавий спорт мусобақалари, миллий ўйинлар тарзида ўтказиладиган бу байрам тадбирларидан кўзланган мақсад мамлакатимизда, вилоятимиз шаҳар ва туманларида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида ҳар бир фуқарога мустақиллик моҳияти ва аҳамиятини янада теранроқ тушунтириш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига сингдиришдан иборат. Шу кунгача Бухоро шаҳридаги Яҳгиер, Бохарзий, Қоракўл туманидаги Халач, Жондор туманидаги Самончуқ, Пешқу туманидаги Сусана, Қоракўл туманидаги Янгибозор ва бошқа маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам шундай байрам тадбирлари ўтказилди.

Абдужалил ХАЛИЛОВ

Олам турфа

ОВҚАТ ПУЛИНИ ЙИЛДАН СЎНГ ТЎЛАДИ

Канадалик ўрта ҳол сайёҳатчи 1978 йилда Янги Зеландияга борган эди. Ўшанда Янги Зеландия ресторанларидан бирида нонушта қилган, бироқ, пулини тўлашни унутган экан.

Ўша воқеани сайёҳ 14 йилдан сўнг эслаб қолди ва нонушта пулини Янги Зеландиядаги ўша ресторанга почта орқали юборди, пул биан бирга эса кечирим сўраб хат ҳам жўнатди.

Ресторан соҳиби эса пулни жон-дили билан қабул қилди ва шунча йил ўтиб жўнатган бўлса-да, миннатдор эканлигини изҳор этди.

РЕСТОРАНДА БЕПУЛ ТАОМ

Лондонда балиқхўрлар учун янги ресторан қурилаётган пайтда газеталарда бир эълон босилди. Унда ёзилишича, кимнинг исми-шарифи балиқларнинг номида бўлса, ўша киши ресторан ишга тушириладиган куни бепул овқатланади.

Ресторан соҳиби ваъдасини бажарадиганлар хилидан экан. Ўша куни 60 га яқин киши бепул овқатланди. Уларнинг фамилия ёки исми ҳақиқатдан ҳам балиқларнинг номи билан аталарди. Масалан, Жаноб Лаққа, Селёдка хоним, жаноб Треска (Шимол денгизларидаги балиқнинг бир тури), жаноб Чўртан, Форел хоним (гулмоҳи) ва бошқалар.

ТАДБИРКОР ХЎЖАЙИН

Токио шаҳридаги ресторанлардан бири ҳам эшик тепасида барча хоҳловчиларни тўқинга овқатлантириш ҳақида эълон осиб қўйди.

Бироқ унинг бир шарти бор экан: хўранда бир тарелка суюқ овқатни, 747 граммли котлетни, салат ҳамда битта батон нонни 40 дақиқада пакқос туширириши шарт эди. Мабодо у шу дақиқада овқатланиб улгурмаса, унда овқатнинг нархини икки ҳисса қилиб тўлайди. Текинга овқатланиш истагида бу ғаройиб мусобақада қатнашган маҳаллий 102 талабгордан атиги 18 киши бепул овқатланган бўлса, қолганлари овқат нархини икки ҳисса қилиб тўлашди.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Жамият совлом бўлса...

ТОЗАЛИК — МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

У ҳар бир исоннинг кундалик юмушига айланиши зарур

Эрта тонгда кўча супираётган келинларни кўрганмисиз? Ховлига сув сепиб ҳаммаёқни саранжом-саришта қилаётган қизларни-чи? Албатта, бу манзарага кунда-кунора дуч келасиз. Ўша хонадондаги файзли ва барокатли турмушга ҳавас қилгансиз, уй бекасининг озода ва тартибли рўзғор тутишидан қувонгансиз. Бироқ бунинг акси бўлса-чи? Ҳар куни минглаб одамлар ўтиб-қайтадиган серқатнов кўчалар бўйида ахлат уюмларига дуч келсангиз, ҳар қадамда писта пўчоғи, музқаймоқ қоғози, сегарет қолдиғи ёки қутиси сочилиб ётса ёхуд қўшнингизнинг эшиги юзига ойлаб супурги тегмаганига кўзингиз тушса... қандай аҳволга тушасиз? Хўш, бундай нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлаётганлар ким? Уларга нисбатан қандай чоралар кўрилаяпти? Умуман, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун яна нималар қилиш зарур? Тошкент шаҳар ИИББ экология ва тозаликни назорат қилиш батальони сардори, подполковник Ёқуб ҲОШИМОВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

— Ёқуб ака, сиз бошчилик қилаётган экология ва тозаликни назорат қилиш батальони фаолияти асосан пойтахтимизда йўлга қўйилган экан. Бунинг сабаби нимада?

— Бизнинг батальонимиз бевосита Тошкент шаҳри ҳудудида экология ва тозалик сақланишини назорат қилади. Ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла ва мавзеларга ходимлар бириктирганмиз. Тўғри, бу тизим фаолияти ҳозирда асосоан пойтахтда йўлга қўйилган, холос. Чунки Тошкент шаҳрида аҳоли зич яшайди. Истиқомат жойларининг асосий қисмини кўп қаватли уйлар ташкил этади. Демак, ҳудудда экология ва тозалик борасида муаммолар кўп бўлиши табиий. Айтиш жоиз, кейинги йилларда шаҳримизда мисли кўрилмаган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти, бу ишлар юртимиздаги бошқа шаҳар ва туманларга, қишлоқ ва маҳаллаларга ўрнак бўлаяпти. Қолаверса, мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар Ўзбекистондаги беқиёс ўзгаришларни аввало Тошкент шаҳри мисолида тасаввур қиладилар, баҳолайдилар. Шу боис, бу ерда экологик мувозанатни сақлаш, тозаликни таъминлаш ишлари доимо назоратда бўлиши керак. Бунга эришиш учун аввало одамларда масъулият ҳиссини шакллантириш лозим. Кўпгина тараққий этган мамлакатларда кўчани, атроф-муҳитни ифлослантирганларга нафақат маъмурий чора кўрилади, балки бу ҳолатга шу ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳоли асло йўл қўймайди. Бизда эса, таассуфки, экологик маданият, тозаликка, озодаликка бундай муносабат тўлиқ шаклланиб улгургани йўқ. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи айрим ҳамшаҳарларимиз орасида лоқайдлик кайфияти кучли. Бундай кишилар озодалик тушунчасини фақатгина ўзлари яшаётган кўп қаватли уйнинг маълум бир хонадони доирасида тушунадилар. Афсуски улар ўз турар-жойи биноси атрофи ёхуд подъезддаги икки метрлик майдончани тоза-озода сақлаш ҳақида қайғурмайдилар. Тўғри, пойтахт ҳудудида тозаликни сақлашга Тошкент шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари масъул ҳисобланади. Ҳар куни жойларда ушбу хизмат ходимлари кўчаларни супуриб, чиқиндиларни йиғиштиришни йўлга қўйганлар. Ўз уйи, ўз маҳалласи тозалиги учун қайғурмайдиган бундай кимсалар ана шу тозаликни сақловчи махсус хизмат ходимлари меҳнатининг қадрига етмайдилар ҳам. Яна бир ҳолатга кўп дуч келамиз: баъзи фуқаролар уйдаги чиқиндиларни ҳеч иккиланмай катта кўча юзига чиқариб қўймоқдалар. Ахир ўз хонадонининг тоза туриши учун чиқиндини чиқариб дуч келган жойга ташлаб кетавериш инсофданмикан? Шу ҳудуд, шу кўча, шу маҳалла ҳам ўзимизнинг уйимиз эмасми? Айни пайтда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида чиқиндиларни ташиб кетиш учун техник воситалар етишмаслиги аён бўляпти. Шу боис, биз бу муаммони ҳам бартараф этиш юзасидан ҳокимликларга махсус таклифлар тақдим этганмиз.

— Бундай тартиббузарларга нисбатан қандай маъмурий чоралар кўрилаяпти?

— Биз бу борада махсус фаолият йўриқномасини ишлаб чиққанмиз. Ҳар бир хонадон эгаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот, фирма, савдо ва маиший хизмат тармоқлари раҳбарлари, тадбиркорлар ёзма равишда огоҳлантирилган. Уларга тақдим этилган ҳужжатда тозалик ҳолатини сақлаш қоидалари қайд этилиб, уни бузганларга нисбатан маъмурий чора кўрилиши эслатиб ўтилган. Агар ана шу тозаликка риоя қилиш талаблари бажарилмаса, биз ёзма акт тузиб, тартиббузарларни жаримага тортамиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида айбдорлардан 80 миллион сўм жарима ундирилди. Бироқ жарима тўлаш билан шаҳарни обод қилиб бўлмайди. Одамларимиз озодаликка, тозаликка маъмурий чора кўрилишидан чўчиб эмас, балки масъулиятни ҳис қилиб, бунинг моҳиятини тўлиқ англаб риоя қилишлари керак. Қолаверса, Ички ишлар ходимлари ва бошқа мутасадди идораларнинг сайъ-ҳаракатига бошқалар ҳам қўшилиши, кўмаклашиши зарур. Биринчи галда маҳалланинг ташаббуси билан фуқаролар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш орқали экологик маданиятни шакллантириш энг оқилона ва самарали йўлдир. Биз айни пайтда бундай тажрибадан фаолиятимизда унумли фойдаланаяпмиз.

— "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб батальон ходимлари томонидан қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Халқимизда тозалик — саломатлик гарови, деган гап бор. Яна шуниси маълумки, тозалик — мавсумий иш эмас. Биз юртимизда тозалик ўрнатиш, яъники, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун махсус кўрсатмани кутиб ўтираверсак, кўзланган мақсадга эришишимиз анча қийин кечади. Айни пайтда ҳам биз жойларда тозаликни сақлаш учун шаҳар, туман ҳокимликларига қатор таклифлар билан мурожаат этдик. Уларнинг айримлари амалиётга татбиқ қилиняпти. Бироқ асосий гап барибир одамларнинг ўзида қолади. Озодалик аввало фуқароларнинг ўзлари учун зарур. Шу боис, уни таъминлашга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳамкорлар билан муносабатда ўз "ички овоз"ингизга қулоқ тутсангиз, бошлаган ишларингиз самарали якунланиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда иш жойингизни ёки ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар юзага келиши мумкин. Бундай имкониятдан фойдаланинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин кунларда сизга омад кулиб боқиши мумкин. Шошилинч қарор, ножўя ҳаракатлар сабаб уни қўлдан чиқаришдан эҳтиёт бўлинг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларни пайшанба ва жума кунлари ҳал қилмаганингиз маъқул. Оилангиз даврасида дам олинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Яқин уч-тўрт кунда режаларни амалга оширишда эҳтиёткор ва сермулоҳазали бўлсангиз кўнгилхираликлардан йироқ бўласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Кишилар билан мулоқотда самимий бўлинг. Шундаги ўз мақсад ва режаларингизни осонликча амалга ошира оласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда сайъ-ҳаракатларингизнинг қадрига етмасликлари мумкин. Лекин руҳингизни туширманг, сизга омад кулиб боқади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Яқин кунлар давомида ўзингиздан ёши катта бўлган инсонларни танқид остига олишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Атрофдагиларга ўз куч ва салоҳиятингизни кўрсатишингизга тўғри келади. Лекин уларни яхши ва савоб ишларга сарфланг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Иш юзасидан "кўтарилиш" ёки эришган ютуқларингизни янада мустаҳкамлаш каби имкониятлар туғилиши мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Оила аъзоларингизга кўрсатаёган ёрдамингизда танишбилиш ва яхши алоқаларнинг ижобий натижаси сезилиши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳар қандай шароитда "олдин"да юра оласиз. Лекин унутманг, сиз ортда туриб ҳам яхши натижаларга эришишингиз мумкин.

Қашқадарё вилояти

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

ҚУЙИБОҒ — ВИЛОЯТ ҒОЛИБИ

Қарши шаҳридаги Гулшан маҳалласи ўйингоҳида "Футболимиз келажаги" анъанавий республика турнирининг 9-10 ёшлилар ўртасида вилоят босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувларда шаҳар ҳамда туманлардан келган жамоалар ғолиблик учун қизғин кураш олиб бордилар.

Ўйиннинг якуний натижаларига кўра биринчи ўрин Косон туманидаги "Қуйибоғ"жамоаси ёш футболчиларига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Муборак туманидаги "Кончилар", Ғузор туманидаги "Амир Темур" жамоалари эгаллашди.

Ғолиблар "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг эсдалик ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Тарихнинг зарварақлари

БУХОРО ГУЗАРЛАРИ

Бухоро маҳаллалари кўп асрлик тарихга эга. Наршахийнинг машҳур "Бухоро тарихи" асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганлиги ҳақида ёзилган бўлиб, Қуйи Аъло, Қуйи бикор, Қуйи риндон, Самарқанд дарвоза, Фагсодара, Дарвоза, Гардун Кашон, Дарвозайи Мансур, Қуйи деҳқон, Қуйи Мугон, Қуйи Коҳ каби ўндан ортиқ маҳаллалар ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Ёзма манбалар ва маҳаллий халқ тилида Бухоро маҳаллалари маҳалла (арабча), ку (тожикча), гузар (тожикча) каби атамалар билан ифодаланган. Маълумки, маҳалла сўзи арабча "Маҳаллун" сўзидан олинган бўлиб, ўрин-жой маъносини англатади. Гузар атамаси эса "Гузаргоҳ", яъни кесиб ўтиш жойи деган тушунчани беради.

Наршахийнинг маълумотларича, "Маҳалла" атамаси "қишлоқлар каби бир-биридан ажралган ва узоқ", шунингдек, шаҳарнинг кўҳна қисми — "Шаҳристоннинг тўртдан бир қисми"ни ташкил қилган турар-жойларни ифодалаган. "Ку" атамаси эса нисбатан кичикроқ, шаҳарнинг ички мавзеларини англатган. "Маҳалла" атамаси ҳам баъзан шу маънода қўлланган.

О.А.Сухарёванинг "Квартальная община познефеодального города Бухары" номли китобида келтирилишича, XV-XVI асрларда турар-жой мавзеларини ифодалашда асосан "Ку" атамасидан фойдаланилган. Бухорода "Маҳалла" бу маънода жуда кам ишлатилган ва фақат "Ку" атамасининг синоними сифатида келган. XVII асрда янги — "Гузар" атамаси пайдо бўлган. Гузарлар ўтроқлашган аҳолининг касбу кори, мавзенинг иқлими, жуғрофий тузилиши каби омиллар асосида номланган. Масалан, Сузангорон, Кулолон, Заргарон, Чармгарон, Эшони имло, Мачити баланд, Мири араб, Хўжа Зойид, Хўжа Зайниддин кабилар шулар жумласидан.

Бухоро шаҳрининг ички тузилишида гузардан ташқари жуғрофий бўлинмалар ҳам мавжуд бўлган бўлиб, бу жойлар мавзелар деб юритилган. Мавзе бир неча гузардан ташкил топган. Манбаларда Бухоро шаҳри ичида Шайхи Рангрез, Турки Жанди, Жўйбор, Чашмайи Айюб, Регистон, Хиёбон, Мурдашуён, Сўфиён, Гавкушон, Шаҳристон, Искандархон, Калобод номлари билан аталган мавзелар бўлганлиги кўрсатилган. Гузарларни бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўз тартиб-қоидаларига эга бўлган.

Гузарлар азалдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Ҳар бир гузарда мактаб, масжид ва ҳовуз бўлган. Чойхоналар илм-маърифат ўчоғи ҳисобланиб, у ерда одоб-ахлоққа доир маърузалар тингланган. Бухоро гузарларини ёши улуғ киши — оқсоқол бошқарган. Оқсоқолнинг ёрдамчиси "Пойкор" дейилган. Гузар аҳолиси аёлларига "Кайвони" бошчилик қилган. Кайвонининг ёрдамчисини эса "Ходими гузар" дейишган.

Оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлаш, албатта, тўлиқ маънода сайловлар эмас эди. Сайловлар масжидда бўлган ва ташаббус имом ихтиёрига берилган. Имом номзодни эълон қилган. У аҳоли ўртасидаги энг обрўли кишилардан тегишли маслаҳатлар олган. Гузар оқсоқоли номзоди тўғридан тўғри обрў-эътиборли кишилар томонидан ҳам кўрсатилган. Номзодлар муҳокамасида ўз ёшига кўра ҳурматли ҳисобланган обрўли кишилар қатнашган. Ёшларнинг сайловда қатнашиб, ўз фикрини билдириши нокамтарлик ҳисобланган.

Гузар ижтимоий ҳаётини бошқарган оқсоқол жамоанинг хизматкори ҳисобланган, унинг фаолияти "Хизмат" дейилган. Гузар оқсоқоллари асосан майда савдогарлар ёки усталардан сайланган. Оқсоқол гузарнинг шаҳар ҳокимиятидаги расмий вакили ҳисобланганлиги боис, бу лавозимга улар томонидан тасдиқланган. Сайлов ўтганидан сўнг гузарнинг бир неча нуфузли кишилари янги оқсоқолни қозикалон ҳузурига олиб борган ва унинг сайлангани эълон қилинган. Тайинланиши оқсоқолга ёзма ҳужжат — ёрлиқ берилиши билан тасдиқланган. Сайланган оқсоқол ёрлиқ яхшироқ кўриниши учун уни салласининг печига қадаб қўйган.

Гузар оқсоқоли кишиларга уларнинг отамерос уй-жойларини шариат қоидалари асосида тақсимлаб бериш ишларини ҳам бажарган. Агар бирор киши вафот этиб, меросхўри бўлмаса, бу уй-жойлар гузар йиғинида кўриб чиқилиб, муҳтож кишилар ихтиёрига берилган. Оқсоқол ўз ҳудудидаги ҳовли-жойларнинг олди-сотди ишларига бевосита аралаша олган. У гузар аҳолиси ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этиб, ишнинг қозигача бормаслигига ҳаракат қилган.

Л.И.Ремпель ўзининг "Далёкое и близкое" асарида ҳар бир гузарнинг ўз "Шабгард"и, яъни кечки қоровули бўлганлиги тўғрисида маълумот беради. Улар гузар ҳудудини кеч соат саккиздан эрталаб соат олтигача кезиб, жамоат тартибини, хафсизлигини таъминлаган.

Совет тузуми даврида — 1932 йил 17 апрель ва 1961 йил 30 августда Ўзбекистон ҳукумати "Республика шаҳарларидаги маҳалла комитетлари тўғрисида" Низом қабул қилди. Ҳар иккала Низомда ҳам маҳаллаларнинг иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий хайрия фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс сифатида иш олиб бориши таъқиқланди.

Мустақилликка эришилгач, маҳалларга бир қатор қонуний ҳужжатлар асосида имконият ва ваколатлар берилди, натижада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими маҳаллалар орқали намоён бўлмоқда.

Бухорода ҳам янги маҳаллалар ташкил топди. Айниқса, кўп қаватли уйларда 22 та (шаҳар бўйича 56 та) маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этилди, улар ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият юритмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарих қаърида шаклланган маҳаллалар Ўзбекистонда ҳозирги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда давлат таянчи ва жамиятни жипслаштирувчи муҳим бўғинга айланди.

Гулбаҳор УМАРОВА, тарих фанлари номзоди.

Тарих ва тақдир

Шерали ТУРДИЕВ

ҲУСАНХЎЖА ОТА ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҚИСМАТИ

20-йилларнинг охирлари ва 30-йилларда собиқ Шўро иттифоқидаги барча жамҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бир қанча давлат ва маданият арбоблари, шунингдек, тадбиркор, ишбилармонлар ва хусусий мулкдорлар бегуноҳ қатли омга учрагандилар. Шулар ичида тошкентлик Хусанхўжа ота Дадахўжаев ҳам бўлиб, у киши ўша йилларда ўлкамиздаги илғор ишбилармонлар, тадбиркорлар доирасидагина эмас, балки Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Лазиз Азиззода каби йирик жамоат ва маданият арбоблари орасида ҳам таниқли бир маърифатпарвар киши эди.

Биз ўрганган архив ҳужжатлари маълумотларига қараганда, Ҳусанхўжа ота Дадахўжаев асли тошкентлик бўлиб, 1884 йилда шу ерлик йирик савдо эгаси ва тадбиркор-мулкдор бўлган Дадахўжа ота оиласида таваллуд топган. Дадахўжа ота шаҳарнинг руслар жойлашган ва бошқа қисмларида бир неча бозорларни ижарада тутган ва ўзининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи хусусий дўкони ҳам бўлган. Ўз ўғиллари ичида айниқса, Ҳусанхўжанинг савдода иш юритиш қобилиятини сезган ота, ўз фаолиятини унга кўпроқ ишониб топшира бошлаган. Ҳусанхўжа ҳам ўз отасидан тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ишларини пухта ўрганиш билан бирга замонасининг бошқа ишбилармонлари каби русча хат-савод ҳам ўргана бошлаган. Аввалроқ эски мактабда, сўнг 1908 йиллардан русча "Приходная школа"нинг 4-чи синфини битирган. Аста-секин ўзи ҳам мустақил меҳнат фаолиятига киришган.

Унинг меҳнат фаолияти, ҳам жамоатчилик ишидаги, ҳам сиёсий партиялардаги иштироки асосан, 1917 йил Февраль инқилобидан кейин жонлана бошлаган. Дастлаб Исмоил Обидов, Лазиз Азиззода, Низомиддин Хўжаев каби эсерлар партиясига аъзо бўлиб кирган, кейинчалик бир муддат коммунистик партия сафида ҳам турган. 1917 йилдан Кўнчилар уюшмаси президуми аъзоси, шаҳар ижроия комитети аъзоси, Тошкентдаги озиқ-овқат комитети (упродком) комиссияси аъзоси, марказий профсоюз совети аъзоси, Туркистон Автоном Совет Республикаси Меҳнат Халқ Комиссари ўринбосари, Қўқонда Упродкомиссар, вилоят озиқ-овқат комиссари, Тошкент вилояти милиция бошлиғи, Муктрест, Тошкентдаги Қизил Шарқ заводида таржимон-инструктор вазифасида хизмат қилади.

1937 йил бошларида касалланиб, ишдан бўшайди. Исмоил Обидов, Абдулла Қодирий, Муҳиддин ва Саъдулла Турсунхўжаев, Лазиз Азиззода, Салимхон Тиллахонов каби бир қанча ўзбек, татар зиёлилари билан ҳамкорликда бўлади, унинг хонадонида мазкур миллатпарвар зиёлилар ва бошқа бир қанча ишбилармонлар вақти-вақти билан йиғилиб, адабиёт, санъат соҳасида мароқли суҳбат ўтказадилар, Навоий, Чўлпон, Абдулла Қодирий асарларини ўқиб, мумтоз ашула ва мақомлар тинглашади.

Ота шу йиллар ичида рафиқаси Зулфия ая билан бирга бир қанча ўғил ва қизларни вояга етказади. Улар ичида шу йиллар туғилган ўғилларидан Муҳтор ака муаллим, Зуҳир ака инженер-ирригатор, Имомхон ака Тошкентдаги ўқитувчилар малакасини ошириш билим юрти директори ўринбосари бўлиб ишлайдилар, кенжа ўғил Саидаҳмад ака эса шаҳардаги бадиий рассомчилик мактабида таҳсил кўра бошлайди, шу билан бирга у вақтли матбуотда илк мақолалари ва чизган расмлари билан ҳам қатнашиб, ота-она қувончларига қувонч қўша бошлайди. Лекин бу осудалик, узоққа бормай, 1937 йил иккинчи ярмидан бошлаб, СССРнинг барча жумҳуриятларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сталинча сиёсий таъқиб ва оммавий репрессиялар авж олиб кетди. Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий каби бир қанча илғор маърифатпарвар ёзувчи ва зиёлилар қатори уларга маслак жиҳатдан яқин бўлган Ҳусанхўжа ота Дадахўжаев каби тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам бу қатли ом домига тушадилар. Ва 1938 йил бошларида у ҳам ноҳақ туҳматга учраб, мазкур йилнинг 23 январида қамоққа олинди. Унга ҳам советларга қарши бўлган миллатчилик ташкилотининг аъзоси, собиқ эсерчи каби турли айбларни ёпиштиришади. Ва шу айбларни бўйнига қўйиш учун Тошкент қамоқхонасида кетма-кет қийноқ ва тазйиқлар ўтказа бошлашади. Натижада отанинг аввалдан бўлган касаллиги яна ҳам кучая бошлайди, терговларга судралиб бориб-келадиган ҳолатга келиб қолади. Шунга қарамасдан ота унга қўйилган айбларнинг барчаси асоссиз эканлигини мардонавор туриб айтади. Буни айниқса, унинг НКВД терговчиси, давлат хавфсизлиги хизмати сержанти Тўйчиевнинг 1938 йил 27 майдаги терговида берган саволларига берган жавобларида очиқ кўриш мумкин:

Савол: — Сиз инқилобга қарши бўлган қандай миллатчилик ташкилотига аъзо эдингиз ва унинг топшириқлари билан совет ҳукумати ҳам большевиклар партиясига қарши курашда қандай ишлар олиб боргансиз? Шу хусусида кўрсатма беринг.

Жавоб: — Мен инқилобга қарши ҳеч қандай миллатчилик партиясига аъзо бўлган эмасман ва совет ҳукуматига қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаганман.

Савол: — Сиз революцияга қарши бўлган таниқли миллатчи Мунаввар қори билан алоқада бўлганмисиз?

Жавоб: — Таниқли миллатчи бўлган Мунаввар қори билан мен фақат Октябрь инқилобига қадар алоқада бўлганман ва у билан умуммусулмон кўмак ташкилотида ишлаганман.

Савол: — Сиз ёлғон гапиряпсиз. Терговга шу нарса маълумки, сиз "Миллий иттиҳод", "Миллий истиқлол", "Турк адам марказият", "Иттиҳод ва тараққий" каби революцияга қарши бўлган миллатчилик ташкилотларига аъзо бўлгансиз. Шунинг учун ҳам терговда тўғри кўрсатма беришингиз талаб қилинади.

Жавоб: — Яна қайтариб айтаманки, мен революцияга қарши бўлган мазкур ташкилотларга аъзо бўлмаганман ва билмайман.

Савол: — Терговга шу нарса маълумки, сиз қамоққа олингунингизга қадар революцияга қарши тинимсиз иғвогорона тарғибот ишлари олиб боргансиз, шуни тан оласизми?

Жавоб: — Мен уни шунинг учун ҳам тан олмайманки, революцияга қарши ҳеч қаерда, ҳеч қандай тарғибот олиб бормаганман.

Савол: — Терговга яна шу нарса ҳам маълумки, сиз террористик гуруҳнинг ҳам аъзоси бўлгансиз, шу хусусида кўрсатма беринг.

Жавоб: — Мен ҳеч қачон, ҳеч қаерда террористик гуруҳ аъзоси бўлмаганман.

Шундан кейин ҳам терговда тазйиқ-қийноқлар давом этаверади. Бу ҳолдан тинкаси қуриган касалманд отанинг аввалги касаллари кучайиб терговга боришга ҳам ҳолати қолмайди.

(Давоми келгуси сонда.)

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Муқимий номли 10-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1984 йилда Боғбонов Зокир Рихсибоевич номига берилган 355937 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди КУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7008 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724
1 2 3 4 5
Топширилди — 21.00